

УДК 330.43:681.3.06

СУГУРТА ФАОЛИЯТИДА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИНИ ОПТИМАЛ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Абдусаломов Абдусамад Баходирович

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Бизнес ва тадбирколик

Олий мактаби доценти, и.ф.ф.д. (PhD)

e-mail: abdusalomov440@mail.ru

Яхяев Салоҳиддин Бовожонович

Сирдарё вилояти статистика бошқармаси

бошлигининг биринчи ўринбосари

e-mail: yakhayevs@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада сугурта фаолиятини самарали ташкил этиши, сугуртада маълумотларни қайта ишиш, сугурта полисларини самарали сотиш, сугурта маркетинг ахборотларини таҳлил қилиш, маркетинг ахборот тизимларини лойиҳалашибориши, ахборот ресурсларидан кенг фойдаланиш, сугурта компанияси бозор имкониятларини аниқлаши, сугурта компаниялари фаолиятини самарали йўлга қўйиши ва сугурта компанияси маркетинг ахборот тизимини ривожлантириши бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калим сўзлар: Маркетинг, ахборот тизимлари, сугурта, АҚТ, самарадорлик, маълумот, бозор, сугурта, компания, замонавий технологиялар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются эффективная организация страховой деятельности, обработка данных в страховании, эффективная продажа страховых полисов, анализ страховой маркетинговой информации, проектирование маркетинговых информационных систем, широкое использование информационных ресурсов, определение рыночных возможностей страховой компании.

Ключевые слова: Маркетинг, информационные системы, страхование, ИКТ, эффективность, информация, рынок, страхование, компания, современные технологии.

ABSTRACT

In this article, the effective organization of insurance activities, data processing in insurance, effective sale of insurance policies, analysis of insurance marketing information, design of marketing information systems, extensive use of information resources, determination of market opportunities by an insurance company, effective establishment of the activities of insurance companies and insurance company marketing are discussed in this article.

Key words: Marketing, information systems, insurance, ICT, effectively, information, market, insurance companies, modern technologies.

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётга, молияга, пул муомаласига ўз таъсирини кўрсатмоқда, иқтисодий қарашларда ижобий фикрларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Эндиликда ҳар бир хўжалик объектиning ташкилотчиси ўз ихтиёридаги молмулқдан самарали фойдаланиш учун фидокорона ҳаракат қилиш билан чекланиб қолмай, фавқулодда ва тасодифий заарларнинг натижасида етказилиши мумкин бўлган камомадларни тиклаш ва уларнинг олдини олиш тадбирларини кўришга ҳам интилиб, унинг натижасида бозор иқтисодиёти шароитида суғуртага бўлган талаб кучайиб бормоқда.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларига ахборот тизимларини оптимал жорий қилиш, автоматлаштирилган ахборот тизимларини молиявий-иқтисодий масалаларни ечиш натижасида олинадиган иқтисодий самарадорликка эришиш йўллари, ахборот тизимларининг инструментал воситаларини ишлаб чиқиш масалалари В.В.Дикнинг илмий-тадқиқот ишларида кўриб чиқилган[10].

А.Н.Романов ўз илмий ишларида иқтисодий ахборотларни машина усулида қайта ишлашни ташкил қилиш, қоғозсиз технологиялардан амалиётда фойдаланиш, маслаҳат берувчи ахборот тизимларини ишлаб чиқиш, интеллектуал ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, банк ва молия соҳасига ахборот тизимларини кенг жорий қилиш каби муаммоларни кенг ўргангандан[11].

Ушбу тадқиқотда кўрилаётган муаммолар бўйича йиғилган маълум бир илмий натижаларга эришилганлигига қарамасдан, мазкур йўналиш илмий адабиётлар ва тадқиқотларда етарли даражада тадқиқ қилинмаган ва сугурта компанияси бошқарув даражаларининг барча бўғинларида маркетинг ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш, уларда техник ва дастурий-технологик таъминотдан оптимал фойдаланиш муаммолари ҳамда маркетинг ахборот ресурсларидан бозор иқтисодиёти шароитда тижорат обьекти сифатида фойдаланиш масалалари кенг қамровда кўриб чиқилмаган.

“O’zbekiston statistika axborotnomasi”

ilmiy elektron jurnalı 2023/4-son

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ


Маркетинг ахборот тизимлари қайта суғурталаш операциялари, суғурта резервлари ва бухгалтерлик ҳисоботлари бўйича бажариладиган кўп меҳнат талаб қилувчи операцияларни такомиллаштириш имконини беради. Кўрсатилаётган суғурта хизматлари, суғурта шартномалари ва полис бланкларини штрих-кодлашни қўллаган ҳолда уларнинг ҳисобини юритишга ҳам комплекс маркетинг ахборот тизимини (МАТ) жорий этиш талаб этилмоқда. Ушбу МАТ штрих-кодлаш ёрдамида суғурта хизматларини, суғурта шартномалари ва полис бланкларини ҳисобини юритиш имкониятини яратади. Бундан ташқари, суғурта шартномалари компаниянинг марказий аппарати билан келишилишини таъминловчи дастурни яратишни ҳам назарда тутади.

Суғуртада маълумотларни қайта ишлашнинг технологик жараёнлари уларни тўплаш ва рўйхатдан ўтказишдан бошланади. Бу босқичнинг моҳияти маълумотлар ташувчисида бошқариш обьекти аҳволини акс эттирувчи кўрсаткичларни рўйхатдан ўтказишдан иборат бўлади.

Суғурта компанияларида олинадиган бошланғич ахборотларнинг тўлақонлилиги, ишончлилиги ва ўз вақтида эга бўлишига обьектни бошқаришнинг аниқ бир вазифалари бўйича нафақат тўғри қарорлар қабул қилиш, балки умуман бошқариш самарадорлигига ҳам боғлиқдир.

Суғурта компанияларида маълумотларни тўплаш ва рўйхатдан ўтказиш босқичи катта меҳнат сифими билан ажralиб туради ҳамда бошқариш обьектининг турли бўлинмаларидағи қўплаб мутахассислар иштирокини талаб этади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, мавжуд суғурта ахборот таъминотида мужассамланган суғурта кўрсаткичларини таҳлил қилиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Шундан келиб чиқсан ҳолда суғурта маркетинг ахборотлари таҳлил қилиш тизими бўлиб, маркетинг маълумотлари ва муаммоларини таҳлил қилишнинг замонавий усуллари мажмуасидан иборатдир. Маркетинг ахборотларини таҳлил қилиш тизимининг асосини статистик банк ва моделлар банки ташкил қиласди. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда маркетинг ахборотларини таҳлил қилиш тизимининг таркибий жиҳатлари қуйида келтирилган (1-расм).

Ахборотларни тўплаш ва рўйхатдан ўтказиш операциялари ҳам қўлда, ҳам техник воситалардан фойдаланиладиган ҳолда бажарилиши мумкин. Маълумотларларни қўлда тўплаш ва рўйхатдан ўтказишида тегишли хизматлар мутахассислари ва техник воситаларни қўлламаган ҳолда алоҳида ижрочиilar ёки қофоз ташувчида ишловчи қурилмалар ишлари натижаларини акс эттирувчи сифат, оғирлик ва ҳажм характеристикаларини рўйхатдан ўтказади.



1-расм. Маркетинг ахборотларини таҳлил қилиш тизимининг таркибий жиҳатлари[12]

Маркетингни қўллаш шароитида суғурта компаниялари оптимал фаолият кўрсатишлари учун қабул қилинган бошқарув қарорларигача ва ундан кейинги ҳолат бўйича ахборотларни олишлари шарт. Унда ахборот оқимларини оптимал ташкил қилиш ва сифатли маркетинг ахборотлари суғурта компанияси маркетологларига қуидагиларни беради:

- рақобатдаги компанияларга нисбатан аниқ устунликларга эришиш имкони яратилади;
- молиявий рискларни пасайтириш ва ҳавфларни олдини олади;
- мижозларнинг суғурта маҳсулотларига бўлган муносабатларини аниқлаш имконини беради;
- маркетинг фаолиятини қандай йўлга қўйилганлигини баҳолаб беради;
- бошқарув қарорларини қабул қилишни ахборот жиҳатдан қўллаб-куvvatлайди;
- иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини яхшилаб боради.

Шуни таъкидлаш керакки, бозорни ўрганиш ва унинг эҳтиёжларини аниқлаш суғурталовчининг ёки суғурта воситачиларининг мақсади ва имтиёзидир. Шу билан бирга, суғурта бозорини ўрганиш суғурталовчининг ва суғурталанувчининг молиявий-иктисодий алоқаларини оптималлаштиришнинг марказий нуқтасидир. Истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини аниқлаш компания маркетинг стратегиясининг асоси ҳисобланади. Суғурталовчи ўз фаолиятининг бир ёки бир нечта соҳада ривожланиши тўғрисида қарор қабул қилганлиги тўғрисидаги тегишли тадқикотлар натижалари асосида олинган бозор маълумотларига асосланади.

Бундай яратиладиган тизимлар функционал имкониятлари натижавий мақсад ва вазифалардан келиб чиқсан ҳолда шакллантирилади. Шунинг учун “*O’zbekiston statistika axborotnomasi*”

ҳам сұғурта компанияларининг МАТ алоҳида модуллардан ташкил топган бўлади, яъни сұғурта маркетинги, сұғурта полисини сотиш, мижозларга хизмат кўрсатиш ва мижозлар ҳақида маълумотлардан иборат бўлади. Улар биргалиқда мижозлар билан ишлашнинг тўлиқ ишлаш даврини қамраб олиб, унда мижозларни жалб қилиш тактика ва стратегиясидан тортиб то жалб қилинган мижозларга хизмат кўрсатишларни амалга оширади (2-расм).

Самарали маркетинг кампаниясини амалга ошириш учун турли гурухга хос бўлган мижозларнинг қизиқишилари ҳақида ахборотлар керак бўлиб, уни сотувлар ёки хизмат кўрсатиш бўлимларидан олиш мумкин бўлади. Сұғурта полисларини самарали сотиш учун сотувлар ва хизмат кўрсатиш бўлимлари ўзаро ҳамкорликда ишлашлари шарт бўлиб, мижозлар билан бўладиган ҳар бир мулоқотдан кенг фойдаланишлари керак, яъни улар мижозларга сифатли хизматлар кўрсатиш учун умумий ахборотларга эга бўлишлари лозим.




2-расм. Сұғурта компанияси маркетинг ахборот тизимининг таркибий жиҳатлари[12]

Шундай қилиб, маркетинг маълумотларини йиғиши тизими сұғурталовчининг манфаатларини хисобга олган ҳолда сұғурталовчининг "кўзлари ва қулоқлари"ни бозорнинг истеъмол мухитида ҳаракат қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам, бозор ахборотлари бўлмаган ҳолда, молиявий ва иқтисодий сұғурта муносабатларини оптималлаштириш мумкин эмас. Умуман олганда, компания ўз фаолиятини режалаштиришда илгари тўпланган тажрибага, шунингдек, маркетингни сұғурталаш маҳсулотлари бўйича мутахассисларнинг фикрларига таяниши мумкин. Бироқ, янги бозорга киришда унинг тадқиқотлари мутлақ керак бўлади, яъни:

- бозор тадқиқотлари вақтида сұғурталовчиларни аввал аниқлашлари керак;
- сұғурта хизматларига мижознинг талаблари, сұғурта қопламаси, мижозга тақдим этилаётган қўшимча хизматлар қатори, шунингдек сұғурта хизматларининг сифати ўрганилиши лозим;
- сұғурта компаниясини ва муайян маҳсулотни танлашда сұғурталанувчилар учун мотивация ва мезонлар таклиф қилиш лозим;
- сұғурта хизмати ва компаниянинг ўзи ҳақида маълумотлар тарқатиш учун энг самарали каналларни аниқлаб олиш даркор;

- сугурта хизматлари учун имтиёзли тарқатиш каналларини белгилаб олиш керак.

Сугурта хизмати билан электрон шаклдаги ахборотларни йўқотиш, йўқ қилиш ёки шикастлаш билан боғлиқ бир нечта ҳавфлар сугурталанади. Хусусан, АҚТнинг дастурий воситалари, ҳамда алоқа воситаларининг бузилиши ёки ишдан чиқиши, хизмат кўрсатувчи ходим ёки учинчи шахслар томонидан ахборот тизимларини вақтинча ёки бутунлай ишдан чиқаришга қаратилган ғайриқонуний хатти-харакатлари, шунингдек дастурий вирусларнинг киритилиши ва маълумотлар базасидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш каби ҳавфлар шулар жумласидандир. Шулардан келиб чиқкан ҳолда, сугурта компанияси ахборот таъминотини оптималь ташкил қилишда унда ахборот оқимларининг қандай ташкил қилинганинига тўғридан-тўғри боғлиқдир (3-расм).



3-расм. Сугурта компаниясида пул ва ахборот оқимларининг айланиш механизмлари[12]

Ушбу схемадан қўриниб турибдики, сугурта бизнес-жараёнларининг барча иштирокчилари ўзаро бир-бирлари билан пул ёки ахборот оқимлари билан боғлангандир. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ахборот оқимларининг дастлабки босқичида объектив, долзарб ва аниқ йиғилиши, қайта ишланиши ва сақланиши сугурта фаолиятининг кейинги босқичларида тўғри қарорлар қабул қилишнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қиласи.

Ҳозирги кунда сугурта хизматлари бўйича сугурта компанияси билан ҳамкорлик қилаётган бир нечта ташкилотлар мавжуд. Келгусида ушбу маҳсулот турини республикада фаолият юритаётган Интернет провайдерлар, банклар, олий ўқув юртлари, мобил операторлар ва ахборот тизими мавжуд бўлган бошқа корхоналарда жорий қилиш режалаштирилган.

Бугунги кунда сұғурта мамлакатнинг иқтисодий ўсишининг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминловчи бозор иқтисодиёти инфратузилмасини ташкил этадиган мұхим тармоқлардан бири ҳисобланади. Ҳозирда сұғурта компаниялари томонидан таклиф этилаётган хизматлар күлами доимий кенгайтирилиб, уларнинг сифати сұғурталанувчилар талабидан келиб чиқиб яхшиланмоқда.

Илмий ва технологик инқилоб ишчиларнинг иш унумдорлиги ва самарадорлигини доимий ошириб, ишлаб чиқариш тушунчаси учун мұхим бўлган сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилиш учун автоматлаштирилган ахборот тизимларини яратишга имкон берди. Кейинчалик, бозор ривожланишида ва ахборотлаштириш тенденциясидан келиб чиқсан ҳолда, автоматлаштириш муваффақиятли фаолият юритадиган сұғурта компанияларнинг барча жараёнларида мустаҳкам жойлашган.


Сұғурта компанияси учун мақсадларни белгилаш келажак ташкилотининг ўзгарган ҳолатини тасвирлашдир. Компаниянинг мақсадини шакллантиришда унинг мавжуд ҳолатини, унда бизнес-жараёнларни амалга ошириш тартибини, хусусан, уни реконструкция қилиш тартибини, унинг рақобатбардош ташқи мұхитини таҳлил қилиш керак. Бозор иқтисодиётида ташқи фойдаланувчилар учун бошқарув ва ахборот олиш учун алоҳида ахборотларни яратиш керак бўлади. Шу муносабат билан фаолият принципи бўйича ягона иқтисодий таҳлил шаклланади. Сұғурта компанияси бозор имкониятларини аниқлаши керак, бунинг учун бозорни таҳлил қилиш ва маркетингни аниқлаш ишлари олиб борилади.

Сұғурта маркетинги мижозлар ҳақидағи ахборотлар билан ишлашда нафақат маркетинг бўлимига янги имкониятларни яратиб беради, балки сұғурта компанияси раҳбарияти учун ҳам бошқарув қарорларни қабул қилишда кенг шароитлар тақдим қиласи. Сұғурта бизнес-жараёнлари ҳақидағи маълумотларни тизимлаштириш ҳаражатларни камайтириш ва мижозлар қониқиши даражасининг юксалишига ҳам олиб келиб, ахборотларни ягона базада сақлаш эса сұғурта маҳсулотларини бозорда юритишида қўшимча имкониятларни яратади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Сұғурта компаниясининг МАТда ягона маълумотлар базасига ахборотларни киритиш воситалари бўлиши керак бўлиб, у нафақат компания ходимлари, балки мижозлар ҳам унга кириш имконлари яратилиши керак бўлиб, унда ҳар бир янги контактда маълумотлар марказлашган ҳолда янгиланиб бориши лозим. МАТ маълумотларни мижозлар билан муносабатлар нуқталарининг турли қўринишидан олиши керак (4-расм).

Бир марта йиғилган ва тизимлаштирилган ахборотлар кейинчалик МБдан олинниб ва таҳлил қилиниб, сұғурта компанияси фаолиятида кенг фойдаланилиши мумкинdir.



4-расм. Суғурта компанияси МАТдаги ахборот жараёнлари[12]

Суғурта фаолияти маркетинг ахборот тизимининг ҳар қандай мақсадда ишлашини таъминлайдиган жараёнлар қуйидаги компонентларга бўлиниши мумкин:

- ташқи ёки ички манбалардан суғурта маълумотларини киритиш;
- кириш суғурта маълумотларини қайта ишлаш ва уни тўғри шаклда тақдим этиш;
- мижозларни тақдим этиш ёки бошқа тизимга ўтказиш учун ахборотлар олиш;
- мижозлар фикрлари - бу маълумотларни тузатишда ушбу компания ходимлари томонидан қайта ишланган маълумотлар;
- автоматлаштирилган тизим - ходимлар ва ўз фаолияти учун автоматлаштирилган воситаларидан иборат тизим бўлиб, белгиланган функцияларни бажариш учун автоматлаштирилган технологияни амалга оширади.

Автоматлаштирилган маркетинг ахборот тизими – турли маркетинг жараёнлари ва масалаларини автоматлаштириш учун мўлжалланган техник, дастурий, технологик, ахборот, математик ва лингвистик таъминотлар ва ходимлар мажмуаси ҳисобланади. Агар автоматлаштирилган маркетинг жараёнлари асосан ахборотларни қайта ишлаш билан боғлик бўлса, унда бундай тизим автоматлаштирилган маркетинг ахборот тизими деб аталади.

Суғурта компанияси ахборот жараёнларини автоматлаштиришнинг асосий тамойилларига қуйидагилар киради, яъни қайтариш, ишончилиқ, мослашувчанлик, ҳавфсизлик, самимийлик, стандартларга мувофиқлик. Орқага қайтариш – самарали, ишончли, самарали тизимга эга бўлишга, вазифаларни тезда ҳал қилиш имкониятини камайтиришга қаратилган. Бундай ҳолда, ахборот тизимининг иқтисодий жиҳатдан қопланиш муддати беш йилдан ошмаслиги керак.

Суғурта ахборотларининг ишончилилиги замонавий технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда ишончли дастурий таъминот ва аппарат ёрдамида амалга оширилади. Харид қилинган ахборот тизимлари сертификатларга эга бўлиши керак.

Мослашувчанлик, яъни суғурта маркетинг ахборот тизими ўзгарувчан талабларга, янги функцияларга осон мослашувини англатади. Бунга одатда модулли тизимларни яратиш орқали амалга оширилади.

Ҳавфсизлик – суғурта ахборотларини муҳофаза қилиш, тизим билан ишлашни тартибга солиш ва маҳсус фойдаланишни назарда тутади.

Дўстоналик содда, ўрганиш ва улардан фойдаланиш осон стандартларга мувофиқлиги ёки стандартлаштириш ва бирлашув принципига риоя қилишдан иборатдир.

Ишлаб чиқилаётган маркетинг ахборот тизимини лойиҳалаштириш ва ишлов беришда ресурсларни тежаш нуқтаи-назаридан стандартлардан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Бирлаштирилган ва стандартлаштирилган компонентлар кириш хужжатларининг аниқлигини назорат қилиш учун дастурий модуллар, технологик даражадаги назорат обектлари таснифлагичлари, кодловчи ва бошқаларни қамраб олади. Автоматлаштирилган маркетинг ахборот тизимларининг асосий мақсади электрон ахборот ресурсларини тўплаш ва сақлаш эмас, балки фойдаланувчилар учун улардан қулай фойдаланишни таъминлашдир. Бундай тизимларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, уларнинг маълумотлар базаларида маълумотларни қулай кўринишда олишни ташкил қилишдир. Шунинг учун ҳам, бундай тизимлар амалда автоматлаштирилган ахборот қидириш тизимлари ҳисобланади. Шундай қилиб, ахборот жараёнларини автоматлаштириш ходимларнинг иш унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш, ахборот маҳсулотлари ва хизматларининг сифатини яхшилаш, мижозларга хизмат кўрсатиш ва самарадорлигини оширишга замин яратиб беради.

Суғурта маркетинг ахборот тизими зарур дастурий таъминотдан фойдаланишга асосланиб, мижозларга хизмат кўрсатувчиларга вақтни сезиларли даражада камайтириш, уларнинг хизмат даражасини сезиларли даражада ошириш, индивидуал технологик жараёнларни ўзгартиради. Бизнинг фикримизча, суғурта маркетинг ахборот жараёнларини автоматлаштиришнинг асосий вазифалари бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

- анъанавий ахборот жараёнлари ва операцияларини бажаришда меҳнат харажатларини камайтириш;
- ахборотларни қайта ишлаш ва ўзгартиришни жадаллаштириш;
- статистик таҳлил қилиш, бухгалтерлик ва ҳисбот ахборотлари аниқлигини ошириш имкониятларини кенгайтириш;
- мижозларга хизмат кўрсатишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш;
- ахборот ресурсларидан кенг фойдаланиш учун имкониятлар яратиш;
- маълумотлар билан алмашиш, корпоратив ва бошқа лойиҳаларда иштирок этишга кўмаклашиш имкониятларини кенгайтириш.

Бозор тадқиқотлари натижасида қўлга киритилган якуний маркетинг маълумотлари сифат ва микдор бўйича бўлинади. Сифатли маълумотлар, асосан, суғурта маҳсулоти хусусиятлари ва уларнинг афзалликлари каби тушунчалар билан ишлайди. Маркетинг тадқиқотларини олиб боришда, “O’zbekiston statistika axborotnomasi”

суғурта компанияси сифатли ва ностандарт воситаларни бирлаштириши керак. Сифатли тадқиқотлар маълум бозор ходисаларини чуқур ташхислаш имконини беради, масалан, суғурталовчининг маркага бўлган муносабати, суғурта маҳсулоти хусусиятларини танлашда имтиёзлар яратади. Бошқа томондан, миқдорий тадқиқот суғурталовчига бозор хусусиятларини аниқроқ аниқлаш ва уларнинг ҳаракатларини тўғри жойлаштириш имконини беради.

ХУЛОСА ВА ТАҲЛИЛЛАР

Олиб борган тадқиқотларимиз ахборот тизимларини суғурта маркетинг фаолиятида кенг фойдаланишда қуйидаги муҳим тенденциялар кўзга ташланаётганлигини кўрсатмоқда:

а) суғурта маркетинги маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда бозорни таҳлил қилишнинг янги ёндашувларининг шаклланиши. Рақобат даражасининг жиддийлашиши шароитида ҳар бир суғурта компанияси мижози билан яккама-якка ишлашни талаб қилмоқда. Ушбу масалани ечиш борасида маҳсус маълумотлар базасини яратиш лозим бўлиб, унда ҳар бир мижоз ҳақида ахборотлар мужассамланади. Йиғиладиган маълумотларнинг ўзига хос жиҳати бўлиб мижоз ҳақида маълумотларни маълумотлар базасига бир марта киритиш эмас, балки узоқ вақт мобайнида улар фаоллигини мониторинг қилиб бориш ҳисобланади. Мижозлар ҳаракатлари, уларнинг одатлари ва бирор нарсани афзал қўришлари ҳақидаги билимлар улар билан доимий равища диалогни сақлаб туриш имконини беради;

б) маълумотларни йиғиши ва таҳлил қилишнинг янги усулларидан кенг фойдаланиш ва амалиётга жорий қилиш. Маркетинг ривожланиб боришининг замонавий босқичи суъний интеллект тизимидан фойдаланган ҳолда суғурта мижозлари билан янада самарали ишлашни талаб қилмоқда;

в) маркетинг тадқиқотларида билимларни бошқариш концепциясидан кенг фойдаланиш талаб этилмоқда.

Хулоса қилиб айтсак, ҳозирги иқтисодиётни рақамлаштиришда ахборотларнинг маънан эскириши юқори суръатлар билан бораётганини кўрсатмоқда, шунинг учун ҳам шундай ахборот тизимларини лойиҳалаштириш ва амалиётга кенг жорий қилиш керакки, улар ахборотлардан фойдаланиш вақтларини қисқаришини таъминлаб бериши лозим. Бунинг учун маркетинг ахборотлари юқори категорияга, яъни билимлар категориясига ўтиши керак бўлиб, улар асосида суғурта компанияси юқори раҳбарияти самарали бошқарув қарорларини қабул қилишлари учун кенг фойдаланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли

иқтисодиёт, элек-tron ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5598-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 17 мартағи ПҚ-4642-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишни назо-рат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ-4452-сон қарори.

6. А.Б.Абдусаломов Ахборот-коммуникация технологияларидан сугур-та фаолиятида фойдаланишдаги мавжуд муаммолар. “Иқтисодиёт ва инно-вацион технологиялар” илмий электрон журнали, № 1, 2018 й., 1-9 бетлар.

7. Р.Х.Алимов, Б.Ю.Ходиев Ахборот-коммуникациялар бозори: шаклланиш, тенденциялар, эконометрик моделлаштириш ва ривожланиш. Монография. Тошкент. ФАН. 2001.

8. Афанасьев М.П. Бюджет и бюджетная система. - 2-е изд., перераб. и доп. / М.П. Афанасьев, И.В. Кривогов. - М.: Юрайт, 2010. -777 с.

9. Афанасьев М. П. Модернизация государственных финансов: Учеб. пособие. - 2-е изд. / М.П. Афанасьев, И.В. Кривогов. - М.: ИД ГУ ВШЭ, 2007.- 439 с.

10. Дик В.В. Методология формирования решений в экономических системах и инструментальные среды их поддержки / В.В. Дик. - М.: Финансы и статистика, 2000. - 300 с.

11. Романов А.Н., Одинцов Б.Е. Советующие информационные системы в экономике: Учебное пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – 258с.

12. Муаллифлар ишланмаси.